
ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИДА БАРПО ЭТИЛГАН ЗАМОНАВИЙ МЕҲМОНХОНА КАТТА ТАНТАНА БИЛАН ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Бугун Ўзбекистон туманининг Қулибек маҳалласида тадбиркор Рустамжон Ҳақимов ташаббуси билан барпо этилган замонавий уч юлдузли меҳмонхона тантанали тадбир билан фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкилланган тадбирда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят ва туман секторлари раҳбарлари, нуронийлар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

“Madinah Travel 2022” МЧЖ томонидан барпо этилган 70 ўринли “Madinah Plaza Hotel” меҳмонхонасининг лойиҳа қиймати 11 млрд. сўмни ташкил этиб, шундан 3 млрд. сўм тижорат банклари кредити, қолган сумма эса корхонанинг айланма маблағлари ҳисобига тўғри келади. Меҳмонхона ишга тушиши натижасида 32 та иш ўрни яратилди.

24 та номердан иборат ушбу меҳмонхонада шунингдек, автотураргоҳ, спорт зал, болалар майдончаси, 3 та фаввора, 70 кишилиқ конференц-зал, 5 та ресторан, 1 та миллий таомлар ошхонаси ва бошқа қулайликлар ташкил этилди.

Мазкур меҳмонхона юртимиз аҳолиси ва хорижлик сайёҳларга қулайликлар яратиш, мамлакатимизда, хусусан, вилоятимизда туризмни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-05-18 21:20:14